

ФИНЛЯНДИЯ МЎЖИЗАСИНИНГ СИРИ НИМАДА, ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАНФААТЛИ ЖИХАТЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

“Таълим бутун ҳаёт давомида эгасини кузатиб борадиган хазинадир.”

Финляндияда бизнес ва ижтимоий инновациялар фақатгина янги техник ечимлар ишлаб чиқиш, мукаммаллаштириш ва жорий этишга эмас, балки жамият ривожига ва тараққиёти, аҳоли фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу мамлакатнинг замонавий ва яхши таъминлаган таълим тизими эса янги инновацияларни ривожлантириш, янги халқаро ва илмий алоқаларни яратиш учун чинакам имкониятлар таклиф этаётгани билан ўзига хосдир.

Бугунги мақоламиз Ўзбекистон-Финляндия таълим ва бизнесга оид ҳамкорлигининг янги қирралари, кўплаб мамлакатлардан фарқли тарзда тўлиқ олий даражада олиб борилувчи фин педагогик таълими, кенг тармоқли кутубхоналар тизими ва бошқа аҳамиятли жиҳатлар хусусида.

Педагогик таълим – ривожланишнинг тамал тоши

“Ҳақиқий таълимнинг пировард мақсади нафақат тўғри иш қилишга ундаш, балки уни бажаришдан завқ олишни ўргатиш, нафақат меҳнатсеварлар балки ишни яхши кўрадиганларни тайёрлаш, нафақат билимдонлар, балки билимга бўлган муҳаббатни, нафақат софликни, балки покликни севишни, нафақат солиҳ инсонларни, балки адолатга чанқоқларни тарбиялашдир”

(Жон Рускин)

Таълимдаги ютуқларни Финляндия тараққиётининг ядроси, дейиш мумкин. Таълимдаги ислохотларнинг барчаси мамлакат халқининг бахтиёрлигига хизмат қилди. Таълим дискриминациядан ҳолидир.

Финляндияда педагогик таълим 1970 йиллардан бошлаб кўплаб мамлакатлардан фарқли тарзда тўлиқ олий даражада олиб борилади. Айнан педагогик таълим бутун малакат бўйлаб олий ўқув юртлири кўпайишига кўмаклашган. Бугунги кунда фин мутахассислари Финляндия таълим сиёсати бўйича маърузалар ўқиш учун турли мамлакатлардан таклифлар оладилар.

Мамлакатда ўрта мактаблар тенг ҳуқуқлилиқ омилларига асосланган. Жамият мактаб таълимини ташкиллаштиришда бирдек жавобгар саналади. Бошланғич ўрта мактабнинг вазифаси ҳар бир бола, ҳар бир ўқувчини кейинги таълим муассасасида ўқишни давом эттириш учун етарли билим билан таъминлаш ва қобилиятини шакллантириб беришдан иборат. Халқаро таққослаганда фин ўрта мактаблари, айниқса энг юқори натижаларни кўрсатади. Хусусан, PISA халқаро тадқиқотларида маълум бўлганидек, Финляндия таълимининг ижобий натижалари ортида фин ўқитувчиларини тайёрлашга эътибор туради.

Педагогик бу мамлакатда доимо юқори обрўга эга бўлган ва ўқитувчилар **“халқ маърифатчиси”**, деб аталган. XIX асрнинг ўрталарида илк халқ мактаблари ташкил қилинган даврдаёқ улар билан бир вақтда Ювяскюля (Juvaskyla) шаҳрида ўқитувчиларни тайёрлаш семинарлари ҳам ташкил қилинган. Ўқитувчилик касби, айниқса аёллар учун касбий машғулотлар оламини очиб берган.

Таълим масканлари йиллар давомида аграр Финляндия учун маърифатли асос қуриш, мустақил давлат фуқароларини тарбиялаш, хўжалик фаолиятлари йўналиш ва турларини янги маълумотлар ҳамда билимлар билан таъминлаш вазифаларини аъло даражада уддалади. Дарс бераётган фанини чуқур билиш, илмий исботланган

маълумотларга таяниш, педагогик иш юритиш билан бирга психолог бўлиш, турли характерли ўқувчиларга бирдек мураббийлик қила олиш маҳоратларини айнан фин ўқитувчиларидан ўрганиш жоиз. “Ўртача ўқитувчи гапиради. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Олий ўқитувчи намоиш этади. Буюк ўқитувчи эса илҳом беради”. Бу сифатлар фин ўқитувчиларига хосдир.

Финляндияда ўқитувчилик касби энг иқтидорли инсонларни ўзига жалб қилади. Педагогларнинг илмий жиҳатдан тайёрлигининг ўзи етарли эмас. Олий таълимда илмий, амалий ва ахлоқий касб компетенцияси шакллантириб борилади. “Ахлоқ эмас, онг тарбиясининг ўзи жамиятга таҳдид. Ҳар иккиси уйғунлашса самаралидир.” Педагогик таълимда ҳам назарий тайёргарлик, ҳам амалий билимлар билан бирга педагогик амалиёт давомида қўлга киритилган қобилиятлар бирлашади. Амалиёт бўлажак ўқитувчиларга тажрибали педагог бошқарувида синф билан ишлаш ва фанларни ўқитиш услубиятларини кенг ўрганиш имконини беради.

Педагогик маълумот олий маълумот талаб қиладиган бошқа фаолият турларига ҳам кенг йўл очиб беради. Яъни, таълим дастурлари шундай ишлаб чиқилган-ки, у фақат педагогик талаблар билан чекланиб қолмайди. Ўқитувчи дипломига эга бўлганлар ўз педагогик билимларини бошқа фаолият турларида ҳам қўллашлари мумкин. Фин таълим модели педагоглар малакасини ошириб бориш устига қурилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фин педагогик таълимининг бошқалардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти ўқитувчи фаолиятидаги илмий-тадқиқот ёндашувини тузишдан иборат. Тадқиқотчи-педагог модели ўз иш муҳитини англаб етиш, ўз педагогик фаолиятида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш, мустақил билим олиш жараёнини баҳолаш, ўз-ўзига баҳо бериш натижалари бўйича педагогик фаолиятини ривожлантириб бориш ва таълим олиш заруриятларини тан олиш қобилиятларини кўзда тутади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш иш жойининг ўзида ташкил этилади. Жамиятдаги ўзгаришлар давомида болалар ва ёшларда пайдо бўлувчи ўқув муаммолари ҳам ўзгариб, кенгайиб бориши мумкин. Бу жараёнда муаммо, низоли вазиятнинг сабаби яхши даражада аниқланган бўлса, уни ечиш ҳам шунчалик самарали бўлади. Ҳозирги кунда Финляндияда янги ахборот технологиялари боис ўқув фаолиятини ахборотлаштириш имкониятлари янада кенгайиб, рақамли инфратузилма, рақамли ўқитиш усуллари кенг жорий этилмоқда. Таълимдаги воситалар ва электрон контентлардан фойдаланиш бўйича энг замонавий билим ва тажрибалар қўлланиляпти.

Мамлакатнинг эртанги куни бевосита таълим, илм билан боғлиқ бир вазиятда Ўзбекистон таълим тизими дунёдаги энг илғор тажрибалар, хусусан Финляндия моделини ўрганиш ва жорий этиш йўлидан бораётгани бугуннинг энг муҳим қадамларидан. Давлатимиз раҳбарининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси асносида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил иш олиб бориляпти. Хорижий давлатлар, хусусан Финляндия билан қўшма таълим муассасалари ва дастурлар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизда Финляндиянинг олийгоҳи – Халқаро Нордик университети очилгани, фин эксперт-педагоглари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани, юртимиз педагогларининг малакаси хорижда ва тажрибали фин устозларини таклиф қилган ҳолда ўзимизда ўқитилаётгани ҳам ижобий самара берадиган саъй-ҳаракатлардир. Финляндия ва бошқа Нордик давлатлари билан ҳамкорликда фаолият бошлаган Халқаро Нордик университети рақобат эмас ҳамкорликни муваффақият калити, деб биладиган фин таълим тизимининг устувор жиҳатларини ўрганиш ва мамлакатимиз таълим муассасаларига татбиқ

этишга ҳар жиҳатдан кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хусусан, университет базасида финляндиялик экспертлар иштирокида педагоглар учун семинар-тренинглар ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Халқаро Нордик университети, Лидер хусусий мактаби ва Зиё муаллим ўқитувчиларни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ўқитувчи-педагоглар учун семинар-тренинг ўтказилди. Таълимда АКТни жорий этиш бўйича мутахассис, Финляндия мактабларида янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича 25 йиллик тажрибага эга спикер **Петри Лоуранскорпи**, Финляндия ва Европада ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва таълимни ривожлантириш бўйича 25 йилдан ортиқ тажрибага эга ўқув дизайнери, таълим маслаҳатчиси **Ханне Коли** ва бошқа таълим экспертлари иштирокида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва уни ривожлантиришнинг замонавий усуллари борасида маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Зеро, мамлакатимиз ўқитувчиларининг марказий ўқув режага асосланган таълимдан марказида ўқувчи турувчи таълим тизими сари ўтишларига услубий кўмак бериш кўзланган мақсадлардан биридир.

Халқаро Нордик университети таълимга оид натижаларга асосланган дастурлар ва лойиҳаларни бошқаришда катта тажрибаларга эга экспертлар билан таълим сиёсати, халқаро ва миллий ислохотларни мувофиқлаштириш, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, самарали учрашувлар, семинар-тренинг ва стажировкалар ташкил қилиш борасида қатор келишувларга эришмоқда. Халқаро ўқув курслари ташкил этиш орқали ўқув жараёни сифатини оширишнинг самарали воситалари, мактабларда рақамли инфратузилма ва ўқитувчиларнинг функционал саводхонлигини ривожлантириш ва халқаро PISA тадқиқоти доирасида ўқитиш усуллари бўйича педагоглар маҳоратини ошириб бориш кўзда тутиляпти. Қолаверса, университет таълим йўналишларида замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмасига эга кадрлар тайёрлаш орқали педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш ва педагог кадрлар малакасини ошириш мақсадлари йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Кутубхона ва китобни танлаган халқ – бугун энг бахтиёр...

“Илм денгизлари қанчалик катта бўлса, ҳайрат соҳиллари ҳам шунчалик катта бўлади”

Тадқиқотлар, ҳаётини кузатувлар уйда китоб қанча кўп бўлса, болалар ҳам улардан шунча кўпроқ фойдаланишини кўрсатмоқда. Эътироф этиш жоизки, фин уйларида Европа бўйича ўртача кўрсаткичдан анчагина кўпроқ миқдорда китоблар сақланар экан. Финляндия шаҳар-у қишлоқларни айланиб юрувчи кўчма кутубхоналарни ҳам ўз ичига олган кенг тармоқда ривожланган кутубхоналар тизимига эга давлатдир. Китоблар борлиги учун уларга талаб пайдо бўлади. Халқ китоб сўраган пайтда эса демократик жамиятда доимо таклиф ҳам бўлади.

Бугунги кунда энг тараққий этган эмас, сўнгги йилларда тезлик билан ривожланаётган давлатлар аҳолиси кўпроқ китобхон бўлиб чиқмоқда. Китоблар инсоннинг билимли, маънавиятли, касб-ҳунарли ва энг муҳими бахтли, жамиятнинг эса моддий ва маънавий бой бўлишида муҳим омилдир. Бунинг энг яққол исботини финлар ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Китобхонлик тарғиботига эътибор Ўзбекистон ва Финляндиянинг муштарак қадриятларидан. Китоблар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишида финлардан бугун нималарни кўпроқ ўрганишимиз керак?

Европа давлатларида сўровнома ўтказилганда, 15 та давлат ичида Финляндия энг китобхон давлат, деб топилди. 6 йилдирки, энг бахтиёр мамлакат ҳам айнан Финляндия.

Финляндия фуқароси бир йилда ўртача 11 мартаба кутубхонага ташриф буюради ва 17 дона китоб, аудио ёки бошқа турдаги маълумотларни олади. 5,5 млн аҳолисига эга бўлган финларнинг 3,5 миллионтасида кутубхона карточкаси мавжуд экан. Фин болалари сайёранинг энг кўп китоб ўқувчи болалари, деб топилганлар.

Финлар учун бугун адабиёт ҳар қачонгидан ҳам яқин, билимлар жуда қадрли. **10 октябрь** Финляндияда фин адабиётини жаҳонга танитган Алексис Киви таваллуд топган кун ва **“Фин адабиёти куни”** сифатида кенг нишонланади. Бу кун финларнинг расмий байроғи куни ҳам. Улар китобга жуда боғланиб қолган. Мамлакатда адабиёт, китобхонликнинг ривожланиши унга бўлган талабга боғлиқ. Финляндияда жуда катта талаб бор. Фин замонавий адабиётининг бугунги кўрсаткичлари, китоблар сотувидаги ҳолат ва нархларга назар солсак ҳам бунинг исботини кўришимиз мумкин.

Финляндияда таълим сифати юқори, китоб ўқувчилар, зиёлилар кўп. Ёшларнинг турмуш тарзи уй – ўқиш – кафе ва кутубхона. Катта ёшлиларнинг турмуш тарзи эса уй – ишхона – спорт зали ва албатта кутубхона. Аҳолининг асосий қисмида кутубхона карточкаси мавжуд.

Нега финлар кутубхона тизимидан бунчалик кўп фойдаланишади? Бунинг сабабларидан бири фин адабиётида тасвир кучли, асарлар мураккаб тилда ёзилмайди. Аксарият асарлар қизиқарли, ранг-баранг сюжетларга бой. Болалар ёзувчилари кўпроқ мотивация берувчи, фойдали иш, машғулот ёки касб танлашга қизиқтира оладиган даражада саргузаштга бой асарлар ёзишади. Бола шахсининг ривожланишида китобларнинг аҳамияти катта. Шу боис китоблар болаларнинг кундалик истеъмолида бор.

Мактабларда ҳам болани китобхонликка қизиқтирувчи тизим мавжуд. “Китоб ўқимасанг бўлмайди, китобсиз яхши пул топа олмайсан, ўқимасанг билимга эга бўлмайсан”, деган кўрkitувчи фикрлар билан эмас балки табиий, объектив факторлар асосида китобга қизиқтирилади. Бола мактабда 9 йил давомида ўз вазифаси нимадан иборат эканлигини ўзи табиий тушуниб, ўқийди. Ота-оналар, устозлар томонидан болага ташқи таъсир ва босим ўтказилмайди, яъни бирор касбни эгаллаш тарғиб қилинмайди, шахсий ҳиссиётлари билан ўзи қизиққан касбни танлашига шароит яратиб берилади холос. Шунинг учун ўзи касб танлайди ва табиийки, уни ўрганишга интилиши максимал даражада бўлади. Бу дегани – китоб!

Мутафаккирлар ҳикмати 3-4 аср яшаши мумкин. Лекин халқ иборалари 20-30 асрларни ҳам кўрдим, демаслиги мумкин. Нордик – Скандинавия халқларининг шундай таъсирчан фалсафаси борки, ёш авлод объектив равишда китобхонга айланиб боради. 60-70 йилларда иқтисодий қийинчиликлари мавжуд давлатнинг сўнгги йилларда катта ютуқларга эришадиганининг сабабларига назар солсак, фақат объектив омиллардан фойдалангани ва потенциал китоб ўқувчилар пайдо бўлганлигини кўраемиз.

Финляндия адабиёти, ўз навбатида швед адабиётидан ҳам куч олади. Улар асарларни икки тилда ўқишади – швед ва фин тили. Швед ёзувчиларининг ижоди фин адабиёти шаклланишига катта туртки бўлган. Фин адабиётининг моҳиятида бахтлилик, ўз ҳаётдан розилик, марраларга эришишга интилиш ғояларига кенгрок ўрин берилади.

Финлар урф-одатларини қаттиқ ҳурмат қилишади. Февраль ойида ўқувчиларга таътил берилади ва улар экстремал спорт тури билан шуғулланишади, яъни оилавий чанғи учишга боради. Ҳар бир фин фарзанди ота ва боланинг чанғи учиш жараёнини ўтказиб юборишмайди, биргаликда қийинчиликларни енгиб, маррага интилишади. “Фарзандларингизни ҳаёт қийинчиликларидан олиб қочманг, аксинча уларни енгиб ўтишга ўргатинг”. Фин адабиётида ҳам шу моҳият ҳукм суради. Яъни, болаларни ихтирочилик, руҳлантириш, олға интилиш, мотивацион фикрларга ундовчи тасвир устувор. Насихат, ундашдан кўра кўпроқ вазиятни акс эттириш, тасвирийлик кучлироқки, болани табиий равишда олға ундайди. Ўқувчилар онгида ҳам шу жиҳат ўз натижасини кўрсатиб туради.

Ўқувчига 1-синфданок “Сен математикани ўрганиб, ихтирочи бўлиб кетишинг керак”, “Сен врач бўлишинг керак”, деб уни қолипга солгандан кўра, бу касбларга боланинг ўзида табиий интилиш шаклланишини кутишади. Бунинг учун фин таълим тизими ва кўплаб ижтимоий лойиҳалар ёрдам беради. Эндиликда республикаимиз таълим тизимида, айниқса пойтахтимиздаги таълим муассасаларида Финляндия таълими имплементациясини кўриб турибмиз. Бу саъй-ҳаракатлар яқин фурсатларда ижобий самарасини ҳам намоён этади.

Финляндияда китоб савдоси ҳам ривожланган. Ҳар йили ўтказиладиган китоб ярмаркалари ноширларга катта даромад олиб келади. Ҳар йили 20 миллиондан ошди китоб нашр этилади. Бу бир киши, яъни бир болага тўрттадан китоб тўғри келади, дегани.

Бизда бу борадаги ҳолат қандай? Бугун бизни, ҳатто болаларимизни ҳам ўз домига тортаётган интернет, ижтимоий тармоқлар нима учун финларни чалғита олмаяпти? Нима учун китоблардан узоқлаштира олмаяпти?

Бугун дунёда интернет ҳам китоб бизнеси билан пойга ўйнагандек тезкор ривожланиб бормоқда. Интернет билан бирга электрон китоблар ривожланиб келмоқда. Бу китобни қоғозсиз шаклда ҳам ўқиш имкониятини беради. Лекин финлар китобни танлади! Бугун кўриб турибмизки, натижаси ёмон эмас, бугун дунё ҳавас қилмоқда! Финлардан ўрганиладиган яна бир муҳим жиҳат шуки, билим олишда унинг манбасига жуда катта эътибор қаратишади. Шу боис интернетдаги маълумотлардан кўра соатлаб вақт кетса ҳам китоблардан фойдаланишади. Бу борада нақадар сабрли эканликларига қойил қолиш мумкин. Маълумотларнинг ишончилигини аниқловчи мутахассислар ҳам фаолият кўрсатишади. Уларнинг фикрича, **бугун китобдан ишончлироқ манба йўқ.**

ХНУ – Ўзбекистон – Финляндияни боғловчи платформа

Фин таълим тизимини ўрганиш ва кенг жорий этиш мақсадида ўтган 2022 йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро Нордик университети ҳар икки мамлакат ҳамкорлигини янги тенденциялар асосида ривожлантириш, таълим ва бизнес истикболини таъминлашда ўзига хос платформа вазифасини бажармоқда. Ўтган қисқа вақт ичида университет талабалар учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, Финляндиянинг амалий фанларни ўрганиш бўйича тажрибаларини қўллаш, юртимиз таълим тизимида энг илғор фин педагогик ечимларини жорий этишга эришди. Шунингдек, маҳаллий ва Финляндиянинг етакчи бизнес компаниялари билан алоқаларни йўлга қўйди ва ҳамкорлик кўламини кенгайтирмоқда.

Таълим инсон ресурси, жамият ва давлат ривожланишининг пойдевори ҳисобланади. Университет базасида юртимиз ва кўшни давлатлар педагоглари илмий тадқиқот йўналишлари доирасида ўз малакаларини ошириб боришапти. Орттирилган тажриба, кўникма ва салоҳиятларини амалда қўллаш имконияти яратилмоқда.

Университет нафақат Ўзбекистон учун балки Ўрта Осиё, Европа, Финляндия учун ҳам ўзаро манфаатли ташаббусларни илгари суряпти. Инсон капиталига эҳтиёж сезган кўплаб компаниялар томонидан бу ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро Нордик университети бошқа олийгоҳлардан фарқли, академик фанлар ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйди. Бу тизим тез фурсатларда улкан самара беради. Талабалар Финляндияда ҳам таълимни давом эттириш ва даража олиш имкониятига эга бўладилар. Чунки, таълим ва амалиётнинг маълум босқичи Финляндияда олиб борилади, юртимизда Шимолий Европа мамлакатларининг таълим соҳасидаги ўзига хос тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар етишиб чиқади. Амалий фанлар методологияси қўлланаётгани учун нафақат Финляндиядаги, Норвегия, Швеция ва Даниядаги университетлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда. Зеро, инсон капитали бор жойда ривожланиш бўлади.

Ҳар йили Канаданинг Corporate Knights маслаҳат компанияси томонидан “Global 100” деб номланган жаҳон рейтингда Финляндиянинг қаторасига 5 та компанияси (“Neste”, “Outotec”, “Kesko”, “Nokia” и “Wärtsilä”) юқори ўринларни банд этган. Ушбу рейтингда айланма маблағи бир миллиард АҚШ долларидан юқори бўлган, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ атроф-муҳитга минимал зарар етказадиган, юқори корпоратив маданиятга эга бўлган компаниялари киритилади.

Яна бир жиҳатни таъкидлайдиган бўлсак, ХНУ базасида Финляндия – Ўзбекистон расмий доиралари вакиллари ўртасида вебинарлар ўтказиш, бизнес форумлар ташкиллаш орқали тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Университет ва бизнес субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон-Финляндия муносабатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари нималарда намоён бўлмоқда?

2022 йилнинг ноябрь ойида Халқаро Нордик университети ва Saipro Group томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида Ўзбекистонда илк бор *“Ўзбекистон-Финляндия халқаро бизнес-форуми”* ўтказилди. Бизнес-форумда икки давлат вазирлик ва идоралари, дунёнинг етакчи фин компаниялари, хусусан, Nokia, Reka Cables, FinnPartnership, Honka, Kone, Suokone каби 30 дан ортиқ компания раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек Финляндиянинг ХАМК амалий фанлар университети вакиллари иштирок этдилар. Бу нуфузли анжуманда етакчи фин компанияларининг тақдимотлари тингланиб, илғор тажрибалари ўрганилди. Фин ва маҳаллий бизнес вакилларининг В2В, В2G учрашувлари ташкил этилди, тажрибалар алмашилди, қизғин муҳокамалар ўтказилиб, хулосалар қилинди, ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, келажақда истиқболли лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди.

Финляндия ахборот технологиялари, инновация, таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сув ресурсларини бошқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларда дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур мамлакат маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Форум Финляндия ишбилармон доира вакилларининг мамлакатимизда бизнес юритишга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилди. Қулай инвестициявий муҳит боис қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Финляндиянинг меҳнат муносабатлари ҳам ҳар жиҳатдан ўрганишга лойиқ. **Триада Финляндия меҳнат бозори моделининг асосидир.** У учта энг муҳим таркибий қисмдан иборатдир: меҳнат ва ташкилотлар билан капитал учбурчакнинг асосида жойлашган, унинг чўққисидан эса ҳукумат жой олган. Бу учбурчак меҳнат бозоридаги музокаралар жараёнида қарор қабул қилиш стратегик триадасини ташкил қилади. **Триаданинг стратегик учбурчагида иш берувчи – ишчилар – ҳукумат биргаликда стратегик танловни амалга оширадилар.**

Эътироф этиш жоизки, ўзининг самарадорлиги бўйича фин модели жуда муваффақиятли чиқди. Унда мамлакатнинг иқтисодиёти, халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик, шунингдек, ижтимоий ривожланиш эътиборга олинган. Халқаро иқтисодий форум томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, ушбу тизим Финляндиани дунёдаги энг рақобатбардош мамлакатлардан бирига айлантирди. Европа Иттифоқи томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, Финляндия дунёда ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича биринчи ўриндадир. Триада туфайли иш жойида таълим олиш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлди.

Триаданинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у жамиятга очик ва шаффоф бўлишга имкон беради. **Шартнома бор экан, демак, у бажарилади!** Натижада, ишонч даражаси ҳам ошади. Меҳнат бозори катнашчилари бир-бирларининг ва давлатнинг фаолиятини кузатиб боришади. Бу Финляндиянинг нима учун коррупцияга энг кам мойил давлатлар қаторида эканлигига ҳам изоҳ беради. Финляндия триада ёрдамида аҳолиси Европада ўзини энг бахтлилар қаторида ҳис қилаётган, етакчи ижтимоий фаровон мамлакатлардан бирига айланган.

Финляндиянинг меҳнатга оид тажрибаларини ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда яна бир йирик форум ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Халқаро Нордик университети ва Saipco Group агентлиги ҳамкорлигида **"Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясининг афзалликлари"** мавзусида халқаро форум ташкил этилди.

Форум Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди. Форум ташқи меҳнат миграцияси, унинг ташқи диверсификацияси, меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, глобал миграция жараёнларининг тенденциялари ва ҳаракатлантирувчи кучлари, миграция сиёсатининг моҳияти ва самарадорлиги, ижтимоий соҳага таъсири каби асосий масалаларни муҳокама қилиш имконини берди.

Халқаро форум доирасида ҳар икки давлат ташкилотлари ўртасида меморандум имзоланган маросимлари ўтказилди. Халқаро Нордик университети ва "Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги" давлат унитар корхонаси ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Келгусида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси, меҳнат муносабатлари ва миграция жараёнлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, талабаларнинг ўқув, касбий амалиёт ва стажировкаларини ташкил этишда ҳамкорликни амалга оширишга келишилди.

Шунингдек, университетда "Финляндия таълим кечаси" ўтказилиб, Финляндиянинг Миллий таълим агентлиги билан Англашув меморандуми имзоланди. Финляндиянинг Карелия амалий фанлар университети билан битим имзоланди. Университетда "Фин тили ва маданияти маркази" очилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон – Финляндия ҳамкорлигининг янги тенденциялар асосида ривожланаётгани мевасидир.

Сўзни мухтасар қиладиган бўлсак, биз ҳам финлар сингари таълим соҳасидаги сиёсатимизнинг мақсадини ёшларимизнинг таълим олишини ҳақиқатдан ҳам тенг ҳуқуқлигини таъминлашга қаратишимиз лозим. Бу савдолашиш мавзуси эмас. Кучли ҳислатларни аниқлаш ва ривожлантиришга янада кўпроқ таянган мактаб маданиятини шакллантириш – таълим ва тарбия ишларининг бошланғич нуқтасига айланиши даркор. Ҳар бир ўқувчи ўзининг кучли томонлари, ҳислатларини намоён этиш ҳуқуқига эга. **Таълим – бу келажакка кўприк ва бошланғич ўрта мактаб ушбу кўприкни кўтариб турувчи устундир.**

Шерзод Мустафакулов,
Халқаро Нордик университети ректори,
профессор.